

ДЕКАБРЬ
ОЙ МАВЗУСИ: “ҚИШ ЗИЙНАТИ”

Гуруҳ	Ўрта						
Мавзу	Қиш						
Муддати	Декабрь ойининг1-ҳафтаси						
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Оёқ учида, товонда, оёқ ён бошида юриш,тиззани баланд кўтариш, арқонда юришда мувозанатни сақлаш, ўнг ва чап томонга бурилиш					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ҳиссиётларни ифодалай олиш, ролли ўйинларда қатнашиш, ўзининг ҳаракатларига баҳо бериш, машғулотларда диққатни жамлай олиш, ўйнаш учун қўлай шароит яратиш, дўстлари билан дўстона мулоқотга киришиш					
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Бошланган ҳикояни давом эттириш, музокара вақтида саволлар бериш ва ўзининг фикрини баён эта олаиш малакаларини ривожлантириш, сўз ўйини ва таълимий ўйинлар ўйнаш					
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Расмларни таққослаш, 2-3 хил белгилар асосида гуруҳларга ажратиш, кун тартиби ва атроф-олам билан таништириш					
	Ижодий ривожланиш	Кўрсатилган расмни чизиш, предметларнинг шаклини ажрата олиш, қаҳрамонлар ва нарсаларни таснифлашга ўргатиш					
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият					
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Эркин фаолият	Қуриш-яшаш ва математика	Геометрик шакллар		Оригами: Арча			Санок чўп, геометрик шакллар.
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Ҳайвонот боғи					Лего, юк машинаси, ветеринар учун оқ халат
	Тил ва нутқ	Ҳикоя: Ким миёвлади?		Қайси сўз адашиб қолди? таълимий ўйин			Сюжетли расмлар
	Фан ва табиат	Қор ўйинлари (қор хусусиятлари билан танишиш)					Қор парчаси, қор юмалоқлари
	Санъат	Расм: Ойнадаги қиш манзараси		Аппликация: Қор учкунлаяпти			Концелярия жиҳозлари
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш						

ДЕКАБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА ҚИШ

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Геометрик шакллар

Мақсад: болалар санок чўплардан квадрат, учбурчак ва тўғри тўртбурчак шаклларни ясайдилар, тайёрланган шакллардан турли хил предметларни ҳосил қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ҳар бир бола учун санок чўп.

Фаолиятнинг бориши:

1. Навбат билан учбурчак, квадрат, тўғрибурчакни ясаиш.
2. Санок чўп ёрдамида уйча, икки қаватли уйча, арча ва машина ясаиш.
3. “Таърифдан топ” таълимиий ўйин
4. Мустақамлаш учун савол: Учбурчакни ясаиш учун нечта санок чўп керак?, уйча ясаиш учун нечта санок чўп керак?, санок чўп орқали айлана ясаиш мумкинми? 1 та тўртбурчак ва 1 та учбурчакни ясаиш учун нечта санок чўп керак?, Тўртбурчакни нечта санок чўпдан ясаиш мумкин?

Қўшимча: таълимиий, ривожлантирувчи, мантиқий ўйинлар ўтказиш.

Эътиборга молик жиҳати: берилган вазифани тўғри бажариш.

Қуриш-ясаиш ва математика маркази

Оригами: Арча

Мақсад: болалар схема бўйича ясайдилар, қоғозни ҳар хил йўналиш бўйича буклайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: учта яшил рангдаги квадратлар (5х5 ҳажмли, 7х7 ҳажмли, 9х9 ҳажмли), намуна, қорбола ўйинчоғи, арча.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани томоша қилиш.
2. Қиш манзараси тасвирланган расмлар асосида арча дарахтини бошқа дарахтлардан фарқлаш.
3. Таълимиий ўйин: Арча бўлақларини йиғ.
5. Намуна асосида ясаиш.
6. Ижодий иш.

Қўшимча: тайёр арчалардан “Қишки ўрмон” манзарасини яратиш

Эътиборга молик жиҳати: вазифани тўғри таҳлил қилиш.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш маркази

Ҳайвонот боғи

Мақсад: болалар турли хил ҳайвонлар қиёфасини акс этира оладилар, уларнинг яшаш тарзи билан танишадилар, ҳайвонот боғи ишчиларининг меҳнатларидан хабардор бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзу асосида расм, ветеринар учун оқ халат, ҳайвонларни акс эттирувчи ниқоблар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳайвонот боғидаги ҳайвонлар тасвирланган расм асосида суҳбат.
2. Ўйинни режалаштириш
3. Ролларни тақсимлаш.
4. Ҳайвонлар ниқобларини кийиш.
5. Ўйин фаолияти.

Қўшимча: таълимиий ўйин.

Эътиборга молик жиҳати: ҳайвонларни севиш, уларга ғамхўрлик қилиш.

Тил ва нутқ маркази

“Ким миёвлади?” мавзусида кичик ҳикоя тузиш

Мақсад: болалар В. Г. Сутеевнинг “Миёв деб ким айтди?” эртагидаги ўзига ёққан парчасини саҳналаштиришда фаол иштирок этадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: АКТ.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Миёв деб ким айтди?” ҳикоясини тинглаш.
2. Ҳикоя юзасидан суҳбат.
3. “Овозидан топ” таълимий ўйин.
4. “Ўз уйчангни топ” таълимий ўйин.

Қўшимча: эртак қаҳрамонларини ясаш.

Эътиборга молик жиҳати: келишик қўшимчаларни тўғри талаффуз қилиш, қисқа ҳикоялар тузиш.

Тил ва нутқ маркази

Қайси сўз адашиб қолди? таълимий ўйин

Мақсад: болалар сўзларни керакли жойда ишлатишни ва сўзларни тўғри талаффуз қилишни ўрганадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: “Қиш зийнати” мавзуси асосида тарқатма материаллар тўплами, турли предметларнинг расмлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Тарқатма карточкаларни танлаш.
3. “Қайси сўз адашиб қолди?” таълимий ўйин

Қўшимча: луғатни бойитиш, нутқ маданиятини шакллантириш.

Эътиборга молик жиҳати: диққат ва луғат бойлигини бойитиш.

Фан ва табиат маркази

Қор ўйинлари

Мақсад: болалар қор хусусиятлари: юмшоқ, совуқ, оқ, ёпишқоқлиги билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қор ёки сунъий қор, АКТ, идишлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Жиҳозлар билан танишиш.
2. АКТ орқали маълумотларни кўриш.
3. Қорни ушлаб кўриш орқали уни хусусиятларини аниқлаш.

Қўшимча: мавзу асосида давра суҳбати.

Эътиборга молик жиҳати: қорнинг хусусиятларини амалий тажрибада кузатиш.

Санъат маркази

Расм: Ойнадаги қиш манзараси

Мақсад: болалар деразада тасвирланган қиш нақшларини мустақил ҳолда оддий чизиклар билан чизадилар (тўғри, тўлқинли чизик, қор парчалари ва ҳ.к.).

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, мавзу асосида расмлар, А-4 ҳажмли қоғоз, елим, қайчи, қалам, чизғич, мўйқалам, оқ гуашь.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намуна ва расмларни томоша қилиш.
2. Керакли жиҳозларни танлаш.
3. Болаларнинг мустақил ижоди.
4. Болалар ишларининг намойиши.

Қўшимча: Қиш ҳақида шеър ва топишмоқлар (болалар фаолиятидан)

Эътиборга молик жиҳати: болаларни ижодий дунёқарашини, тасвирий ва эстетик дидини шакллантириш.

Санъат маркази

Аппликация: Қор учқунлаяпти

Мақсад: болалар бир неча бўлакка букланган қоғоздан қор парчалари ясайдилар, кесиб олиш жараёнида тўғри, симметрик ўлчамларни аниқлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: намуна, А-1 ҳажмли қорайтирилган қоғоз, тўқ рангли бўёқлар, қайчи, елим, мўйқалам, қоғозли салфетка, клеёнка.

Фаолиятнинг бориши:

1. Намунани кўриш ва таҳлил қилиш.
2. Ишни режалаштириш.
3. Керакли жиҳозларни танлаш.
4. Жамоа иши.

Қўшимча: жамоа ишини гуруҳ йўлакчасига илиш ва ота-оналар билан муҳокама қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: жамоа бўлиб ишлашда бир-бирини фикрини хурмат қилиш ҳиссини тарбиялаш.